Ушбу сонда:
2 *Ислоҳот йўлидаги ғовлар* РАҲБАР ҚОНУННИ БИЛМАСА
3 МИР АЛИШЕР НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ
4 *Сиз кутган учрашув* ҚЎШИҚ ЮРАКЛАРНИ НУРГА ТЎЛДИРАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OʻZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 8 феврал, жума №24 (1241)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# СЎЗДА НАВОИЙ НЕ ДЕСАНГ, ЧИН ДЕГИЛ...



Алишер Навоий халқимизнинг фахри, она тилимизнинг яловбардори, шеъриятимиз мулкининг султони, маданият ва маънавиятимизнинг сўнмас қуёши сифатида эъзозламоқда. Буюк зот таваллудига 9 февралда 561 йил тўлади.

Алишер Навоий бутун ижодий фаолияти давомида инсон эрки ва озодлигини куйлаб ўтди. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистонимиз Мустақилликка эришгач, том маънода Навоийга яқинлаша бошладик. Навоий сўзларининг асл моҳиятини идрок этишга дадил интиладиган бўлдик.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолаларни газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.

# БАРЧАНИНГ ЭЪТИБОРИ СОЛТ-ЛЕЙК-СИТИДА



***Бугун АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида XIX қишки Олимпия ўйинлари бошланади. Унда 70 га яқин мамлакат спортчилари қатнашиши кутилмоқда. Олимпия ўйинларида ер куррасининг энг кучли спортчилари қатори юртимиз вакиллари ҳам иштирок этаётгани айниқса, бизни қувонтиради.***

Аёллар ўртасида якка тартибдаги фигурали учишда қишки Осиё ўйинлари ғолиби Татьяна Малинина, эркаклар ўртасида эса қишки Осиё ўйинларининг кумуш медали совриндори Роман Скорняков, жуфтликлар бўйича халқаро тоифадаги спорт усталари, Загребда ўтказилган халқаро турнирда 4-ўринни эгаллаган Евгений Свиридов ва Наталья Пономарёвалар ушбу нуфузли олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга шай туришибди. Бир неча халқаро мусобақа ғолиблари бўлган тоғ чанғичиларимиздан Комил Урумбоев ва Эльмира Урумбоеваларга ҳам юксак ишонч билдирилмоқда.



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз спортчилари бундай улкан умумжаҳон ўйинларида биринчи марта қатнашиши эмас. Агарда ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, илк бор мамлакатимиз спортчилари мустақил жамоа сифатида Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтказилган XVII қишки Олимпия ўйинларида фристайл ва фигурали учиш бўйича иштирок этганди. Ўшанда Лина Черязова чанғи акробатикаси бўйича юксак маҳорат кўрсатиб, олтин медални қўлга киритганди. Юртдошларимиз Япониянинг Нагано шаҳрида ўтган XVIII Олимпия ўйинларида фигурали учиш ва фристайл бўйича муваффақиятли иштирок этишди. Хусусан, унда фигурали учиш бўйича вакилимиз Татьяна Малинина юқори натижага эришди.

Солт-Лейк-Ситида мусобақалар 25 февралгача давом этиб, унда ҳамюртларимиздан биринчи бўлиб Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридов жуфтлиги майдонга тушиши кутилмоқда. Биз эса барча спортчиларимизга омад ёр бўлсин, деймиз.

*Сўз — Олимпиада қатнашчиларига*

# ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМАН



*Комил УРУМБОЕВ, спорт устаси:*

***Бундай нуфузли мусобақада қатнашиш мен учун катта бахт. Лекин бунга эришишнинг ўзи бўлмади. Чунки баъзида катта умид билдирилган, энг кучли, маҳоратли спортчи ҳам якунловчи босқичга етиб боролмаслиги мумкин. Шу боис ҳар бир мусобақага жиддий тайёрландим. Фақат ғалаба учун курашиш шиорга айланди.***

Натижа ёмон бўлмади. Тоғ чанғиси спорти бўйича Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилиндим. Туркия ва бошқа мамлакатларда ўтказилган нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгалладим.

Эндиликда зиммамга катта масъулият юкланди. АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказилаётган Олимпиадада қатнашиш бахтига мушарраф бўлдим. Кайфият аъло. Мустақил Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилиб, юқори поғоналарга кўтарилиш учун бор кучимни сарфлайман.

# ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ



**Эльмира УРУМБОЕВА, спорт устаси:**

***Ўзимга бўлган ишонч ютуқларим гарови, десам муболаға бўлмайди. 2001 йил Туркияда ўтказилган иккита улкан мусобақада биринчи ўринни эгаллаганим ўзимга, мураббийларга қанот бағишлади.***

Мен касаба уюшмалари спорт мактабидан чиққанлигим билан фахрланаман. Чунки бу ерда биз — ёшларнинг камолга етишимиз, ўзимиз севган спорт турлари билан шуғулланишимиз учун барча шароит муҳайё этилган.

Энди Олимпиада ўйинларига келсак, бу нуфузли мусобақада ҳам бўш келмасликка, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга ҳаракат қиламан.

*Санацияга тушган хўжаликда*

# КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## муваффақият омили

***Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» ширкатлар уюшмаси иқтисодий инқирозга учраб, санацияга тушган хўжаликлардан эди. Сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб олган маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси иқтисодиётни тиклаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш учун астойдил бел боғлади. 16 минг аҳоли истиқомат қилаётган мазкур ширкатлар уюшмаси асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган.***

Хўжалик бошқаруви раиси ҳамда касабақўмнинг бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат иш юритишлари натижасида кейинги вақтда ижобий силжишлар сезила бошлади.

Асосий эътибор меҳнат самарадорлигини ошириб, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилганлиги боис, биринчи йилдаёқ айтса арзигулик натижаларга эришилди. Ахир, рағбат — муваффақият омили, деб бежиз айтилмаган. Айниқса, ижарачи Бердиқул Эгамқуловнинг астойдил меҳнати ўз самарасини берди. У буғдой ҳосилдорлигини 58 центнерга етказди. Энг муҳими, у режадан ташқари қўшимча 10 тонна, С.Усмонова эса 6,5 тонна дон олишга эришдилар.

Пахтачилик соҳасидаги натижалар ҳам аввалги йиллардагига қараганда тубдан фарқ қилди. Ижарачи Насриддин Шерматовга 527 килограмм ўсимлик ёғи, 1237 килограмм кунжара рағбат сифатида берилди. Йил якуни бўйича эса 232 минг сўмлик даромад олишга муваффақ бўлди.

Завқия Худойбердиева 116 минг сўмдан зиёд, Илҳом Ўсаров 106 минг сўмдан ортиқ қўшимча даромад олдилар.

Хўжалик йил якуни бўйича 9 миллион сўмлик соф фойда кўргани маълум бўлди. Санация белгиланганида 100 миллион сўмлик зарар билан чиққан хўжалик учун бу катта ютуқдир.

Натижада меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланди . Олинган фойда асосан ижарачиларга тарқатилди. Шунингдек, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда 71 тонна буғдой, 23 тонна ўсимлик ёғи арзон нархларда сотилди. Тўй қилувчилар, маърака ўтказаётган кишилар ҳам хўжалик раҳбарияти ва касаба уюшмасининг эътиборида. Бундай мақсадлар учун 2,5 тонна буғдой, 1,5 тонна шоли, 340 килограмм гуруч тарқатилди. Бу каби хайрли тадбирлар касаба уюшма қўмитасининг маъмурият билан тузган жамоа шартномасида қатъий белгилаб қўйилган. Унга мувофиқ ўтган йили моддий ва маънавий кўмакка муҳтож, кам таъминланган меҳнаткашларга 45 минг сўмлик моддий ёрдам уюштирилди.

Дарҳақиқат, астойдил қилинаётган саъй-ҳаракатлар натижасида хўжалик меҳнаткашларининг даромади ортиб, турмуш даражалари яхшиланмоқда. Бундай муваффақиятлар омили — хўжалик бошқарувининг касаба уюшмасини қўллаб-қувватлаб, меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси учун барча имкониятларни яратиб бераётганидир.

**Мўминжон СУЛТОНҚУЛОВ,**
**Бекобод туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# «НАФАҚАНИ ҚАЧОН ОЛАМИЗ, РАИС?»

Газетамизнинг 2001 йил 30 ноябр сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада баъзи раҳбару мутахассисларнинг ўз вазифасига совуққонлиги оқибатида Охунбобоев туманидаги Алигавҳаров номли ширкат хўжалиги аъзоси Малоҳат Холматова фарзандларига тўланиши лозим бўлган нафақани икки йилдан буён ололмай сарсон бўлаётгани ва бошқа камчиликлар танқид остига олинган эди.

Ушбу мақола юзасидан таҳририятимизга қуйидаги жавобни олдик:

«Мақола юзасидан туман ҳокимлигининг тегишли мутахассисларидан иборат ишчи комиссияси тузилиб масала жойида ўрганиб чиқилди ва газетада кўтарилган камчиликлар ўз тасдиғини топди.

Фуқаро Малоҳат Холматовага икки йиллик нафақа пули натура ҳолида ундириб берилди.

Қонун бузилишига йўл қўйган ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси М.Эргашев ва касаба уюшма қўмитаси раиси К.Аҳмедовларга нисбатан интизомий чора кўрилди.

**Туман ҳокими вазифасини бажарувчи А.АБДУРАҲИМОВ».**



Қадимда момоларимиз чеварлик касбининг кўплаб турлари қаторида зардўзлик билан ҳам машғул бўлишган. Улар тиккан зардўз буюмларининг донғи Мағрибдан то Машриққача етган.

Ҳозирги кунда юртимизда бу ҳунар билан шуғулланаётган опа-сингилларимиз кўплаб топилади. Самарқанд шаҳридаги зардўз қизлар томонидан яратилган келинлик либослари, дўппилар, кашта ва зардеворлар бежиримлиги ҳамда сифатлилиги билан элга манзур бўлмоқда.

**Суратларда: қўли гул зардўзлар.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**



*Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди*

# МЕҲНАТ КОДЕКСИ ТАЛАБЛАРИГА ЗИД

***Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг чинакам кўмакдоши ва суянчиғидир. Буни ўз тақдирида синаб кўрган кишилар, айниқса, яхши биладилар. Наманган вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам меҳнаткашларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланган.***

Буни тармоқда олиб борилаётган ишлар ҳам тасдиқлайди. Масалан қўмитага Қон қуйиш станциясининг бир гуруҳ ходимлари томонидан шикоят хати келиб тушди. Унда баён этилишича, ташкилот биносида таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги сабабли ходимларга оз эмас, кўп эмас нақд тўрт ой — ўтган йилнинг август ойидан декабр ойигача бўлган давр учун иш ҳақи тўланмаган. Ҳолбуки, улар ўша ойларда ишларда мунтазам қатнашган, сабабсиз прогул бўлмаган. Вилоят қон қуйиш станцияси ходимлари касаба уюшма қўмитасидан адолатни тиклаб, ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам сўрагандар.

Тармоқ қўмитасининг хатни кечиктирмай атрофлича ўрганиб чиқиши асносида шу нарса маълум бўлдики, шикоятчилар ўз даъволарида ҳақ эдилар. Энди бир саволга жавоб топиш қолганди, холос: у ҳам бўлса ушбу ташкилот уларнинг меҳнати учун ҳақ тўлашдан нега бош тортаётганлиги масаласи эди.

— Тўғри, улар келиб-кетиб юришди, қўлларидан келганича таъмирлаш ишларига ёрдам беришди. Аммо, ўзларининг асосий вазифаларини адо этганлари йўқ. Шу сабабли уларга маош тўланмади, — дейишди Қон қуйиш станцияси мутасаддилари. — Ахир, улар бевосита тиббиёт соҳасидаги хизматлари учун ҳақ олишлари керак-да.

Касаба уюшма қўмитаси Қон қуйиш станциясидагиларга бу ҳаракатлари Меҳнат Кодекси талабларига, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга зид эканлигини, шикоятчиларнинг даъволари тўғрилигини, уларга нисбатан адолатсизлик қилинганлигини қонун доирасида исботлаб берди. Касаба уюшмасининг саъй-ҳаракатлари зое кетмади, ҳақиқат тантана қилди, адолат тикланди. Асоссиз ҳақ-ҳуқуқлари чекланган 7 нафар ходимга 4 ой давомида тўланмаган жами 300 минг сўмлик маош тўлиқ ундириб берилди.

Биз касаба уюшмасининг меҳнаткашлар жонкуяри эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Ҳимоячимиз — тармоқ қўмитасидан беҳад миннатдормиз, дейилади уларнинг мактубларида.

— Ҳолбуки, касаба уюшмаси ишга киришгунча қатор ташкилотларга мурожаат қилган бўлсак-да тегишли ёрдам ололмаган эдик.

Наманган шаҳар тез тиббий ёрдам шифохонасида ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз беради. Яъни, шифохона фарроши Муаззам Абдуллаева одатий иш кунини бошлаш тараддудида тонг саҳар ишга келиб, ўз зиммасига юклатилган вазифани бажаришга киришади. Бинонинг ичи-ю ташқарисини супуриб-сидириб, дераза, эшикларгача ювиб-тозалаб бўлаётганида шифохона ходимларидан бири беозоргина шундай дейди:

— Ҳафа бўлмангу, шунча меҳнатни бекор қиляпсиз, ахир сизнинг штатингизни кечадан эътиборан қисқартириб ташлашди.

— Йўғ-е, ҳазиллашаётган бўлманг, — бемажол сўради фаррош.

— Бу гапни аниқ эшитдим, фақат шунга ҳайронманки, кеча сизни нега бундан хабардор қилиб қўйишмабди, бугун овора бўлмасдингиз.

Муаззам опанинг хўрлиги келди. Ахир, шунча ишлаб бирор марта сабабсиз ишга келмаган ёки топшириқларни бажармай қолган куни бўлмаган. Ҳатто тоби қочган пайтларда ҳам вазифасини бажариб қўйиб, сўнг уйига кетарди. Баъзан қўшимча топшириқларни дам олиш кунларига қарамай тўлиқ бажарарди.

Шуларни ўйлаб, ўйига етолмаган М.Абдуллаева ноҳақликдан ҳимоя қилишларини сўраб вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасига мурожааат қилади. Қўмитанинг аралашуви, ҳақиқатни қонуний асосларда юзага чиқариши натижасида шифохона маъмуриятининг узоқ йиллардан бери ўз вазифасини тўлиқ адо этиб келаётган фаррош М.Абдуллаеванинг штатини қисқартириш юзасидан қабул қилган буйруғи бекор қилиниб, у ўз ишига қайта тикланди.

Чортоқ туман юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси Саида Акбарова, Наманган тумани «Ирвадон» қишлоқ врачлик амбулаторияси ходими Нилуфар Муродуллаева, шунингдек, «Электротерм» корхонаси қошидаги тиббий санитария қисми фаррошларидан Ҳафиза Ҳусаинова, Мавлуда Ҳабибуллаева, Наманган шаҳридаги 6-шифохона ҳамшираси Ҳафиза Юсуповалардан ҳам касаба уюшма қўмитаси беғараз ёрдамини аямади.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

*Касаба уюшма: бугун у қандай бўлиши керак?*

# СЕРФАРЗАНД ОИЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

***Жамоа шартномаси техника хавфсизлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш, соғлом ва хавфсиз иш шароити яратиш бўйича меъёр ва қоидаларни ўзида акс эттирган муҳим ҳужжатдир. Уни тайёрлашда, бажарилишини таъминлашда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмаяптими? Сирдарё вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси фаоллари ана шу хусусда фикрлашиб олдилар.***

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар илк натижаларини бера бошлади. Одамларда ерга муносабат тубдан ўзгариб, мулкка эгалик ҳисси кучайди. Тармоқдаги юксалиш касаба уюшма ташкилотларини ҳам ўз фаолиятига жиддийроқ назар солишга, иш маромида бурилишлар ясашга ундамоқда. Бугун кечаги кун руҳи билан яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмайди. Аммо, 92 минг 915 нафар аъзо манфаатини ифодалаш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси, қонунларда акс этган ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш зарур. Нафсиламбрини айтганда, ҳамма жойда ҳам бунга эришилаётгани йўқ. Бир қатор бошланғич ташкилотлар раҳбар уқувсизлиги, лоқайдлиги боис омма орасида ўз мавқеини бой бериб қўймоқда. Ҳатто баъзи жамоаларда ташкилот етакчисининг ўрни сезилмайди. Очиғи, жамоа шартномаси мазмун-моҳияти, аҳамиятини англаб ета олмаган раислар ҳам учраб турибди.

— Касаба уюшма ташкилоти раҳбарлари саводини оширишга интиляпмиз. Жамоа шартномаси аҳамияти, унинг ишлаб чиқаришдаги ўрни хусусида семинарлар ташкил этдик, - дейди вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Абдурашид Рустамов. - Фаолият юритаётган 302 та бошланғич ташкилот раҳбарлигига 42 нафар ёш ва 54 нафар фаол жамоатчи аёлларнинг тортилиши ишимизни анча жонлантирди.

Соҳа ходимларини ижтимоий муҳофазалаш, кам таъминланган, серфарзанд оилалар, қариялар, ногиронларга ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Ўтган ярим йилда ночор хонадонларга 47 миллион 777 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. 1800 нафардан зиёд 12 ёшгача фарзанд тарбиялаб келаётган она имтиёзли меҳнат таътилидан фойдаланишаётир. 1624 нафар фарзанд улғайтираётган аёллар 3 миллион 788 минг сўм қўшимча ёрдамдан баҳраманд бўлди. Тизимдаги хусусий тармоқ ва фермер хўжаликларида ишлаб келаётган ходимлар ижтимоий муҳофазаси таъминланмоқда. Сайхунобод туманидаги К.Мирзаев номли фермер хўжалиги, Гулистон туманидаги «Чорвадор» ҳиссадорлик жамияти, «Муқим ота», «Умид», Мирзаобод туманидаги «Ҳумо» фермер хўжаликларида меҳнатга ҳақ тўлаш, ишловчилар оиласини моддий қўллаб-қувватлаш намунали ташкил этилган.

Мулк шакли турлича бўлган шароитда тизим таркибидан янги бошланғич ташкилотлар ҳам ўрин олаяпти. Бугун 2402 нафар ходимни иш билан таъминлаб келаётган деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам уюшмадан жой олди. Муҳими, ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида алоҳида шартнома ва битимлар имзолаб келинмоқда. Бу эса мулк эгаси қўл остида ишловчиларнинг мукофот, моддий ёрдам олишига имкон яратмоқда.

— Фермер хўжалигимиз қошида бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузганмиз, - дейди Мирзаобод туман «Мирзачўл» ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги «Ҳумо» фермер хўжалиги раҳбари Абдурасул Назаров. - 82 боддан иборат жамоа шартномаси шартларининг барчасини бажариб келаяпмиз. Ходимларни дам олдириш, санаторий-профилакторийларда саломатликларини тиклаш масаласи ҳамиша диққат марказимизда.

Касаба уюшма вазифаси юмушлари кўлами кенг. Айниқса, баъзи хўжаликлардаги иқтисодий ночорлик айрим мушкулликларни келтириб чиқариши табиий. Шундай пайтда ташкилот етакчиси қандай йўл тутади? Маблағ танқислиги қай йўсинда бартараф этилмоқда? Бу ҳақда баъзи ташкилот раҳбарлари фикрини ўргандик.

— Хўжалигимизда кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалашга эътибор қаратиб келаяпмиз, - дейди Боёвут туман 1-Боёвут деҳқон хўжаликлари бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Комил Мусаев. - Фермерлардан иборат уюшма кам даромадли 10 та оилани ўз қарамоғларига олишган. Улар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Жамоа шартномаларида ижтимоий муҳофазага кенг ўрин берилиши, унинг ижроси устидан қатъий назорат касаба уюшмалари фаолиятининг бош бўғини бўлмоқда.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**





● Ангор туманидаги «Ангорпласт» масъулияти чекланган жамиятда 16 нафар ишчи меҳнат қилади. Барча шарт-шароитлар муҳайё этилган кичик корхонада аҳоли учун зарур сифатли оёқ кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

**Суратларда: корхона ёшлари.**

**И. ҲАСАНОВ олган суратлар.**

## САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК

Буни қарангки, қарияларни, устозларни ардоқлаган, уларга ҳар томонлама марҳамат кўрсатиб, дуосини олганлар кам бўлмас экан.

Тадбиркорлик ҳаракати куртак ёза бошлаган дамлар эди. Шунда устозим Раҳматулло Файзиев яхши бир таклифни ўртага ташладилар:

— Обиджон, сендан яхши тадбиркор чиқади. Вақтни бой бермай омадингни бир синаб кўр.

Ўйлаб кўрсам, ўринли таклиф. Биргалашиб ишга киришдим. Хўжаликдан ер олиб, балиқчиликка йўналтирилган фермер жамоасини ташкил этдим.

Орадан сал ўтгач, «Бухоро-Ғиждувон» магистрал йўли ёқасида шинамгина «Боғикалон» чойхонаси қад кўтариб, йўловчиларнинг, қишлоқ кексаларининг энг севимли масканига айланди. Боғикалон қишлоғида эса 10 гектарли тераклзор барпо этдик.

Ҳамқишлоқларнинг раҳматини эшитиб меҳнат қилиш янги марраларга етаклар экан. Энди атрофимга бошқа кишиларни ҳам жалб этиб, фермер хўжалиги имкониятларини кўрсатиш имкони туғилди. Жамоамизда ишловчилар сони эса 25 нафар кишига етди. Энди нафақат қишлоқ аҳли ёхуд йўловчиларга, балки шаҳарликларга ҳам беминнат хизмат кўрсатувчи шоҳобчаларга эгамиз.

Насиб бўлса, тез орада қўшимча цехлар, хизмат кўрсатиш шоҳобчаларини қуриш ҳисобига яна 15-20 та қўшимча иш ўринларини барпо этишни мўлжаллаяпмиз.

Даромадимиз ошган сайин кам таъминланган, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялашга кўпроқ эътибор беряпмиз. Жумладан, яқинда туман ногиронлар жамиятига 100 минг сўм пул ўтказилди.

**Обиджон ЧОРИЕВ,**
**Бухоро туманидаги «Истиқлол» ишлаб чиқариш савдо корхонаси раҳбари.**

*Ташаббус*

## ЖУМАҚУЛ ТЕМИРБЕКОВ:
## «БИР МИЛЛИОН СЎМЛИК ДАРСЛИКНИ ЎҚУВЧИЛАРГА БЕПУЛ ТАРҚАТДИК»

***Мирзачўл туманидаги Собит Муқонов номли 16-мактаб директори Жумақул Темирбеков биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этди. «Пахтазор» фермер хўжаликлари уюшмасидан 41 гектар ер олиб, пахта ва ғалла экинларидан мўл ҳосил олиб келмоқда. Биргина ўтган йили буғдойдан 1 миллион 700 минг, пахтадан эса қарийб 3,5 миллион сўм соф фойда кўрди.***

Фермер хўжалиги ҳам Собит Муқонов номида. Ж.Темирбековнинг ўғли Бахтиёр фермер хўжалигига раҳбарлик қилаяпти. Ота-бола маслаҳатлашиб, ўтган йили даромадларидан 1 миллион сўмлик дарсликни мактаб ўқувчиларига бепул ҳадя этишди. Шунингдек, Бекобод цемент заводидан шифер олиб, бино томи ёпиб берилди. Газлаштиришга сарфланган барча харажатлар жамоа томонидан қопланди. Ўқув масканининг ҳар йили жорий таъмирланишига ҳам улар бош-қош бўлди.

Ўтган йили банкдан 2 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 50 бош қўй сотиб олишди. Бу — ўқувчиларнинг ошхонада бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланишига имкон берди. Овқат учун ишлатиладиган маҳсулотлар шу хўжаликда етиштирилмоқда.

24 нафар кам таъминланган оила фарзандларига дафтар ва ўқув анжомлари, кийим-бош ҳадя этилганда болалар қанчалик қувонганини кўрсангиз эди.

Билим маскани ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани туфайли у тобора замонавийлашиб бормоқда. Чунончи, 10 та фан кабинети давлат таълим стандартлари талаблари асосида жиҳозланган. 9 та компютер ўқувчилар ихтиёрида. Мактабда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Ойнур Мўлдақулова иншолар танлови бўйича, Рабиға Элтоева қозоқ тили бўйича олимпиаданинг республика босқичида қатнашиб, фахрли ўринларни олишди.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ўта ҳаётийлиги билан ажралиб туради, — деди мактаб директори Ж. Темирбеков. — Қарорда таъкидланганидек, юқори синфларнинг кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни ҳам бепул қишки кийим-бош, кутубхона фондидан дарсликлар билан ҳар йили бепул таъминлаш кўзда тутилган. Мактабимизда 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни юз фоиз дарсликлар билан бепул таъминлашга эришдик. Кам таъминланган оилаларга мансуб юқори синф ўқувчилари сонини аниқлаб чиқдик. Фермерлик ҳисобидаги фойдадан уларга қишки кийим-бош олиб беришга киришдик.

Бизнинг бу ташаббусимизни туман ҳокимлиги тўла маъқуллаб, фермер хўжалигимизни солиқ тўловларидан озод этди.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЁШЛАРГА

«Қўқоннон» масъулияти чекланган жамиятида ишга туширилган янги цехда печенье тайёрлаш учун ўндан ортиқ йигит-қиз ишга таклиф этилди.

Италиядан келтирилган дастгоҳлар ёрдамида бир-кеча кундузда 8 тонна янги маҳсулот тайёрланиб, савдога чиқарилмоқда.

Корхонада ишга туширилган яна бир замонавий дастгоҳ кўмагида ҳар куни бир тоннагача маҳсулот бежирим идишларга қадоқланмоқда. Ҳолбуки, шу пайтгача қўқонлик пазандалар ўз маҳсулотларини қўпол картон қутиларда истеъмолчиларга етказиб бераётган эди.

- Ёшлар учун янги иш ўрни яратишга алоҳида эътибор беряпмиз, - дейди жамият раиси Адҳамжон Воҳидов. - Ўтган йили шаҳримизнинг йигирмадан ортиқ ёшлари яхши ҳақ тўланадиган муқим иш ўрнига эга бўлди. Жорий йилда италиялик шерикларимиз билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш тармоқларини ишга тушириш ниятимиз бор. Янги линия ишга тушгач, яна ўттиздан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланади.

Конимехлик қоракўлчилар Наврўз тадоригини ҳар йилгидан эртароқ бошлашди. Туман ҳокимининг қарори билан «Озодалик ва ободончилик» ойлиги эълон қилинди. Шунингдек, «Шўркўл» ширкат хўжалигида «Қариялар боғи» барпо этилмоқда. Туманда эрта кўкламда 1 миллион туп кўчат ўтқазилади. «Абай» ширкат хўжалигининг «Боймурод» овулида қурилаётган янги бозорни эса байрам куни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Байрам тантаналари туман марказий ўйингоҳи ва истироҳат боғида, хўжаликлар марказлари ҳамда қир-адирликларда бўлиб ўтади.

## КОНИМЕХДА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

- Наврўз байрамига ҳозирлик қизғин,- дейди туман ҳокими Баҳриддин Рўзиев. - Халқимизнинг қадимий урф-одатлари, анъаналарига юксак ҳурмат ва эҳтиромимизни намойиш этиш билан бирга, ўша куни қарияларни эъзозлаб, уларнинг дуосини олмоқчимиз. Байрам кунлари «Энг яхши ўтов», «Фермер-2002», «Наврўз маликаси» танловлари, айтишув ва бахшилар бахсини ўтказамиз. Туя ва отларда сайиллар ташкил этилиб, спорт мусобақалари, савдо ярмаркалари ва катта концерт дастурлари намойиш этилади.

**(ЎзА)**

***Пахтаобод тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг кўмаги билан устазода Бахтиёр Эргашев замонавий мебел цехини очди.***

## ЭНГ НАМУНАЛИ МЕБЕЛ ЦЕХИ

Аввалда ҳеч қаерда ишламаган етти нафар йигит мазкур цехда доимий ишга эга бўлишди. Эндиликда бу ёшларнинг қўли стол, стул, ётоқхона ва ошхона гарнитурларини ясашга келишиб қолди.

Палата раиси ўринбосари Равшанбек Ашуровнинг сўзига кўра, биргина ўтган йилнинг ўзида туманда 145 та кичик корхона, фирма, деҳқон ва фермер хўжаликлари барпо этилди. Айни пайтда мазкур корхона ва хўжаликларда 203 нафар ёшлар меҳнат қилишмоқда.

*Ислоҳот йўлидаги ғовлар*

# РАҲБАР ҚОНУННИ БИЛМАСА...

Меҳнат қонунларининг бузилиши замирида эскича услуб, ҳуқуқий саводхонликнинг етишмаслиги каби иллатлар ётади. Бундай ҳолларда меҳнат кишиси ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўради. Фаолиятимизда бунга кўп бор ишонч ҳосил қилаяпмиз. Ишлаб чиқаришда ўз хизмат бурчини бажараётган кезда жароҳат олиш, касб касаллигига чалиниш юзасидан зарарни тўлаш бўйича фуқаролардан шикоят хатлари олаяпмиз. Жумладан, 2001 йилнинг ўзида Ўзбекистон КУФКнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимига тушган 140 та оғзаки ва ёзма шикоятнинг 112 таси худди шу мазмундадир.

Шикоят бекорга ёзилмайди. Қаерда адолат тарозуси бузилса, ишловчининг ҳақ-ҳуқуқи чекланса у тегишли идораларга ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлади. Бир мисол. Ўтган йил декабрида Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида истиқомат қилувчи II-гуруҳ ногирони В.Қурбонов касб касаллиги бўйича бир йўла бериладиган нафақани анча вақтдан бери ололмаётгани хусусида шикоят билан келди. Мутахассислар инсон тақдирига масъулият билан ёндошиб, унга тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришди. Фарғона вилояти касаба уюшмалари Кенгаши меҳнат техник назоратчиси Э.Соҳибоев ногирон мушкулини осон этишга киришди. У «Наврўз» ширкат хўжалигида бўлиб, раҳбару мутахассислар билан фикрлашди. Маълум бўлишича, В.Қурбоновга бериладиган нафақа 1998 йилдан буён тўланмаган. Боз устига, 2001 йил 1 августдан бошлаб товон пули миқдорини индексация қилиш тўғрисидаги ҳукумат қарори ҳам бажарилмаган.

Шу тариқа, муаммо ечимини топди. Иккинчи гуруҳ ногирони В.Қурбоновга нафақа ва товон пули ундирилди.

**Б.НУРИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон КУФКнинг меҳнат муҳофазаси бўлими техник назоратчиси.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ПАСПОРТЛАР ЎЗГАРТИРИЛАДИ

Исроил ички ишлар вазирлиги мамлакат ичкарисида амал қиладиган паспортлар шакли ўзгартирилажаклигини маълум қилди. Гап бу ерда мазкур ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида белги қўйиладиган саҳифаси устида бормоқда. Эндиликда босиладиган штамп ўрнига код-чизгилар тортилади. Ҳозирги пайтда Исроил паспорти ҳимоя даражасининг ниҳоятда пастлиги ушбу ўзгартиришга туртки бўлган бўлиши мумкин.

### ДОЛЛАР ЙИҒИШ БОШЛАНДИ

Яқинда Япония пойтахти Токиода бўлиб ўтган конференцияда Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва унинг инфратузилмасини лозим даражага келтириш учун 40 миллиарддан зиёд доллар лозимлиги қайд этилган эди. Эндиликда донор мамлакатлар бу ишга жиддий киришдилар. Ҳозиргача жами 3,5 млрд. доллар нақд қилиб қўйилди. Аммо, ҳали ҳамма давлатлар ўз мажбуриятларини тўлиқ эълон қилганларича йўқ. Ҳозирча Оврупо Иттифоқи мамлакатлари асосий донорлар бўлиб турherишибди. Улар 1,5 млрд., Япония 500 млн., АҚШ 296 млн. доллар беришлари лозим. Ундан ташқари, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл президент Ж.Бушнинг Афғонистонга 400 млн. доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги ваъдаси ўз кучида турибди, деди. БМТ бош котиби Кофи Аннан ҳам ҳозирча йиғилган маблағлар етарли эмас, уни жилла қурмаса уч марта кўпайтириш шарт, деб таъкидлади.

### ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Исроил ва Фаластин раҳбарлари ўртасидаги «даҳшатли жанг»га қарамай, Исроил бош вазири Ариэл Шарон ўзининг Ал-Қуддусдаги қароргоҳида Фаластиннинг уч нафар юқори мартабали арбоби — Абу Мазеа (Маҳмуд Аббос), Абу Аъло (Аҳмад Қураи) ва Набил Шаатлар билан махфий музокаралар ўтказди. Улар Ё.Арофат кўрсатмаси билан ҳаракат қилганликларини тасдиқладилар. Учрашувда А.Шарон фаластинликлар олдига учта шарт қўйган: террорчиларни ҳибсга олиш бўйича жиддий чоралар кўриш, сайёҳлик вазири Зееви қотилларини ушлаш ва Исроил томонига топшириш, Исроилга қарши ташвиқот «жанги»ни тўхтатиш. Бундай мулоқотларнинг қандай натижалар бериши ҳозирча мавҳум бўлиб турибди.

Куни кеча Ариэл Шарон АҚШга ташриф буюрди. У президент Ж.Буш, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа юқори мартабали арбоблар билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масалаларини муҳокама қилди.

### «ОЗОД АЧЕХ» АҲВОЛИ ТАНГ

Индонезида ҳукумат қўшинлари Суматра ороли шимолида «Озод Ачех» айирмачи гуруҳига қарши операцияларни кучайтирмоқда. Мамлакат мудофаа вазирлиги вакилининг сўзларига қараганда, сўнгги бир неча куни ичида отишмаларда саккиз нафар жангари йўқ қилинган, ҳукумат томонидан эса икки ҳарбий ҳалок бўлган.

### ПИСТИРМА ҚУРБОНЛАРИ

Ҳиндистоннинг Бихар вилоятида «Маочи коммунистик марказ» гуруҳи исёнчилари полициячиларга қарши ҳужум уюштирди. Мамлакат радиоси тарқатган хабарга кўра, юзга яқин жангари Чатра туманида полициячиларга пистирма қўйиб, уларнинг тўққиз нафарини отиб ўлдирган. Яна беш нафар полициячи оғир жароҳатланиб, шифохонага ётқизилган.

### МАХФИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТОПИЛДИ

Чеченистон жанубидаги Новие Атаги ва Старие Атаги туманларида ўтказилган текширувлар кутилмаган натижа берди. Қочоқлар яшаётган бир уйдан антиқа ашёлар топилди. Унда қурол-яроғлар ва қандайдир ҳужжатлар тўплами бор эди. Мутахассисларнинг фикрича, топилган нарсалар Ичкериянинг биринчи президенти Жоҳар Дудаевга тегишли экан. Генералнинг шахсий варақаси, уяли телефони, автомат, бир неча мўъжаз радиостанциялар ва маҳфий ҳужжатлар ҳаммани қизиқтириб қолди. Айниқса, 1995-96 йилларда Россия атом сув ости кемасини босиб олишга тааллуқли тарҳлар алоҳида эътиборни тортди. Кўринишдан мавжуд ҳарбий-денгиз хариталари бу ишни террорчилар Приморье ўлкасининг Тинч уммони флотида амалга оширишни режалаштирган эканлар.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

